

ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНГА КИРИШ-ЧИҚИШИ ТАРТИБИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ВАКОЛАТЛИ СУБЪЕКТЛАР

Давронов Фаррухбек Султонбекович

Андижон вилояти ИИБ Миграция ва
фуқаролик расийлаштириш бошқармаси бошлиғи
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17355572>

Ўзбекистон Республикаси мустақилликдан сўнг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланиши дунё ҳамжамиятидаги барча миллатлар ва халқлар билан тенг даражада ҳамкорлик ҳуқуқини вужудга келтирди. Ўзбекистон 1992 йилнинг 2 мартида халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинган. Республикамизни жаҳоннинг деярли барча малакатлари тан олган, **165 та мамлакат билан дипломатик** муносабатлар ўрнатилган. Бугунги кунда мазкур давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий, техникавий ва бошқа соҳаларда алоқалар ривожланмоқда. Бундай ижобий тенденция республикамизга чет эл фуқароларининг мунтазам келиб туришларига туртки бўлди. Ҳозирда мамлакатимизда турли бўғинларда бир қанча хорижий мамлакатлар ваколатхоналарининг, чет эл кампанияларининг фаолият юритаётганлиги чет эл фуқароларининг кўламини сезиларли даражада оширмоқда.

Бундан ташқари туризм соҳасининг ривожланиши, миграция жараёнларининг кучайиши, шу билан бирга айрим давлатлардаги нотинч вазиятлар республикамизга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг оқимини ошириб, уларнинг республикамиз ҳудудида бўлиб туриш тартибларини, республикамизга кириш, ундан чиқиб кетиши билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни заруратга айлантирмоқда. **Соҳа олимларидан Д.Исроилова** ушбу масалада қуйидагиларни таъкидлаган, яъни ҳозирги кунда дунёда глобаллашув шароитида миграция оқимлари жадаллашиб, ижобий иқтисодий ва демографик таъсирлар кўрсатиш билан бирга, салбий муаммолар ва таҳдидлар, шу жумладан, давлатнинг миллий хавфсизлигига ҳам таъсир кўрсатмоқда¹. Шундан келиб чиққан ҳолда чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг республикамизга кириш-чиқишларини расмийлаштириш, уларни рўйхатга олиш долзарб вазифалардан бирига айланган.

Соҳа мутахассислари ҳам ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатининг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, бу борада миллий ҳуқуқ нормаларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан унификация қилиш ва Ўзбекистонда хорижий фуқароларнинг ҳаракатларини тартибга солиш муҳим вазифалардан эканлигини таъкидлашмоқда².

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонга кириш-чиқиши тартиблари республикамизда бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Жумладан, 2021 йил 4 июнда қабул қилинган Ўзбекистон

¹ Исроилова Д.К. Меҳнат миграциясини тартибга солишнинг хорижий амалиёти таҳлили / Иқтисодиёт ва таълим / 2021 йил 2-сон. Б.-163.

² Ахмедов А. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланди. 2021 й. / https://uza.uz/uz/posts/chet-el-fuqarolari-va-fuqaroligi-bolmagan-shaxslarning-huquqiy-maqomi-belgilandi_287833

Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги **Қонуннинг 28-моддасида** чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши тартиби белгиланган. Унга кўра, чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ва халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича, Ўзбекистон Республикаси томонидан виза режими ўрнатилган мамлакатлар учун эса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги кириш визалари (шу жумладан электрон визалар) мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикасига кириши мумкин. Шунингдек, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги кириш визалари мавжуд бўлган тақдирда амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича Ўзбекистон Республикасига кириши мумкин³.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш учун визалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик муассасалари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро аэропорт мақомига эга бўлган аэропортларидаги бўлинмалари томонидан чет эл фуқароларининг барча тоифаларига берилади.

Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш тартиблари ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги **Қонунни** билан тартибга солинган. Мазкур **қонуннинг 30-моддасига** мувофиқ, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ва халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасидан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги чиқиш визалари мавжуд бўлган тақдирда, амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича чиқиб кетади⁴.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исроилова Д.К. Меҳнат миграциясини тартибга солишнинг ҳорижий амалиёти таҳлили / Иқтисодиёт ва таълим / 2021 йил 2-сон. Б.-163.
2. Ахмедов А. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланди. 2021 й. / https://uza.uz/uz/posts/chet-el-fuqarolari-va-fuqaroligibolmagan-shaxslarning-huquqiy-maqomi-belgilandi_287833
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги қонуни / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.06.2021 й., 03/21/692/0528-сон
4. Юворидаги манба.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги қонуни / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.06.2021 й., 03/21/692/0528-сон

⁴ Юворидаги манба.